

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.F.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИБРАГИМОВА НАЙИРА АНВАРОВНА**

**ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ТИЗИМИНИНГ  
ИНСТИТУЦИОНАЛ ВА ФУНКЦИОНАЛ  
ИНТЕГРАЦИЯСИ**

**09.00.04 – Ижтимоий фалсафа**

**фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
философским наукам**

**Content of Dissertation Abstract of Doctor of Philosophy (PhD) on  
philosophical sciences**

**Ибрагимова Найира Анваровна**

Экологик хавфсизликни таъминлаш тизимининг  
институционал ва функционал интеграцияси..... 3

**Ибрагимова Найира Анваровна**

Институциональная и функциональная интеграция  
системы обеспечения экологической безопасности .....19

**Ibragimova Nayira Anvarovna**

Institutional and functional integration of a  
system ensuring ecological security ..... 35

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 39

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.F.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИБРАГИМОВА НАЙИРА АНВАРОВНА**

**ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ТИЗИМИНИНГ  
ИНСТИТУЦИОНАЛ ВА ФУНКЦИОНАЛ  
ИНТЕГРАЦИЯСИ**

**09.00.04 – Ижтимоий фалсафа**

**фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Fal113 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (fs-ik.uz) ва «Ziyounet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Тўйчиев Бердикул Тўракулович**  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Мамашокиров Саид**  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Бердимуратова Алима Карлибаевна**  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:** **Тошкент давлат иқтисодиёт университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.F.01.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети биноси, 5-қават, 511-хона. Тел.: (99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-53-21, (99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. ЎЗМУ Маъмурий биноси, 2- қават, 4-хона. Тел.: (99871) 236-46-55; факс: (99871) 246-02-24.

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.

(2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_ рақамли реестр баённомаси).

**И.Р. Хўжамуродов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, фалсафа фанлари доктори, профессор

**Ж.С. Раматов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби в.б. фалсафа фанлари доктори, профессор

**Ж.С. Раматов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, фалсафа фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бутун жаҳонда экологик хавфсизликни таъминлаш глобал муаммога айланиб, унинг долзарблашуви барқарор экологик хавфсизликнинг назарий-методологик асослари таҳлиliga эътибор қаратиш ва бирлашиб амалий ҳаракат қилишни тақозо қилмоқда. БМТнинг 2000 йилда ўтказилган «Мингйиллик саммити»да экологик барқарорликни таъминлаш инсоният цивилизацияси истиқболининг асосий шарти эканлиги қайд этилди. Шунингдек, 2015 йил 30 ноябрда Парижда бўлиб ўтган БМТнинг иқлим ўзгаришлари масалаларига бағишланган халқаро конференциясида ҳам экологик хавфсизлик глобал муаммога айланганлиги, уни умумжаҳон миқёсида ҳал қилиш зарурлиги таъкидланди.

Дунёда экологик хавфсизликка таҳдидлар глобал муаммо бўлиб, иқлим ва атроф муҳит тадқиқоти халқаро марказларида «инсон-жамиyat-табиат» тизими муносабатларини мувозанатга келтириш учун экологик хавфсизликни (атроф муҳит ҳолатининг глобал ёмонлашуви, иқлим ўзгаришлари ва инсоният саломатлиги) таъминлаш билан боғлиқ масалаларни ўрганишга йўналтирилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Кўп қамровли экологик хавф-хатарларнинг ҳар қандай кўриниши ва оқибатлари, инсон ва жамият ҳаётига катта зарар етказиши, инсон фаолияти билан боғлиқ бўлмаган табиий офатлардан ташқари демографик (жаҳонда одам сонининг кўпайиши) жараённинг табиий муҳитга салбий таъсири, атроф муҳит ифлосланиши, табиий бойликлардан тартибсиз фойдаланиш ёки исроф қилишга оид бир қатор концептуал ғоялар таҳлил қилинган. Экологик таҳдидларнинг мазмун-моҳияти, табиий атроф муҳитга келтирадиган зарарлари олдини олишда экологик хавфсизлик феноменининг ижтимоий-фалсафий мазмун-моҳиятини тадқиқ этиш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда фуқаролар ҳаёти учун зарур экологик хавфсиз муҳитни таъминлаш, табиатни муҳофаза қилиш ва табиат ресурсларидан самарали фойдаланиш, миллий давлат ҳудудида «табиат-жамиyat-инсон» тизими муносабатларини мувофиқлаштириш ишлари кенг амалга оширилмоқда. Глобаллашув шароитида барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиёт ва экологик хавфсизликни таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда».<sup>1</sup> Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, экологик хавфсизликни таъминлаш институционал тизимини ижтимоий-фалсафий жиҳатдан тадқиқ этиш ҳамда илмий-назарий аҳамиятга эга бўлган хулосаларни ишлаб чиқиш долзарб вазифа ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 июлдаги ПҚ-3160-сон «Маънавий маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида»ги қарори, 2018 йил 3

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони “Ўзбекистон Республикасини ривожланиши бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлар тўплами, 2017 й. 6–сон. 70-модда.

февралдаги ПФ-5326-сон «Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2017 йил 21 апрелдаги ПФ-5024-сон «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳақида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги фармонлари, Ўзбекистон Республикасининг Орол минтақасини ривожлантиришнинг 2017–2021 йилларга мўлжалланган Давлат дастури<sup>2</sup> шунингдек, мавзуга оид бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг 1.«Ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий ва маданий тамойиллари инновацион иқтисодий шакллантириш»нинг устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг асарларида экологик хавфсизликка таҳдидларнинг олдини олиш ва хавфсизликни таъминлаш, Орол денгизи қуриши билан боғлиқ ижтимоий-экологик муаммоларни юмшатиш, ёшларда экологик онг иммунитетини мустаҳкамлаш борасидаги ижтимоий-фалсафий ғоялар мазкур тадқиқотга назарий ва илмий-методологик асос бўлди.

Экологик хавфсизликка таҳдидларнинг олдини олишда экологик онг ва маданиятни шакллантириш масалалари Авесто, Ригведа, Таврот, Инжил, Қуръони Карим ва бошқа диний манбаларда келтирилган.

Шарқ уйғониш даврининг мутафаккирлари: Абу Райхон Беруний, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий асарларида табиатнинг доимо ўзгариб туриш масаласи ёритилган.

Муаммонинг ижтимоий-фалсафий, ҳуқуқий ва гносеологик жиҳатлари Ғарб файласуфлари: И.Кант, Г.Гегель, М.Вебер, В.И.Вернадский тадқиқотларида очиб берилган.

Хорижлик олимлардан Л.Тенсли, Ф.Мюллер, С.Хантингтон, К.Гарнер, П. Макмиллан; Ф.Бирмен, П.Паттберг, Ф.Зелли, Н.Греггер; Д.Пирагес ва К.Казенс, Ж.Рамеш, Р.Э.Грумбин каби олимлар экологик хавфсизлик ҳамда атроф муҳит муҳофазасига оид масалалар ҳақида назарий билимлар ва илмий ғояларни илгари сурганлар.

Экологик хавфсизликка таҳдид муаммоси бўйича Россия ва МДХ давлатлари файласуф олимлари томонидан ҳам илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан, В.И.Данилов-Данилян, В.Н.Бурков, А.В.Шепкин, А.А.Сергунин, В.Н.Федосеев, А.В. Возженников, А.Багатуров, Д.М.Гвишиани ва бошқалар миллий хавфсизликнинг ҳуқуқий, сиёсий ва халқаро тамойилларига эътибор қаратганлар.

Ўзбекистонда экологик хавфсизликнинг назарий-методологик асослари ва ижтимоий-фалсафий жиҳатлари, Э.Хошимова, С.С. Сангинов,

---

<sup>2</sup> Собрание законодательства Республики Узбекистан. 2017. – №4. – 49 с.

А.К.Бердимуратова, С.Мамашокиров, Э.Усмонов, Д.Расулов, Ш.П.Махмудов, Н.Х.Ҳақимов, Б.Т.Тўйчиев, А.Аҳмедов, Б.Омонов тадқиқотларида, муаммонинг ҳуқуқий жиҳатлари Ж.Т.Холмўминов, Ҳ.Абулқосимов томонидан таҳлил қилинган<sup>3</sup>.

Хавфсизликка таҳдидларнинг глобаллашуви, уларнинг ижтимоий оқибатлари турли соҳа олимлари томонидан ўрганилган бўлса-да, лекин экологик хавфсизликни таъминлашнинг институционал тизими ижтимоий-фалсафий жиҳатдан махсус таҳлил этилмаган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университети илмий тадқиқот ишлари режасининг «Ижтимоий фалсафа ва ижтимоий тараққиётнинг долзарб муаммолари» мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** барқарор экологик хавфсизликка таҳдид масалаларини ижтимоий-фалсафий жиҳатдан назарий асослаб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

жамият тараққиётида экологик хавфсизлик концепцияларининг шаклланиш тарихи, генезиси ва эволюцияси босқичларини фалсафий нуқтаи назардан асослаш;

экологик хавфсизликка таҳдидларнинг намоён бўлиш шакллари ва уларнинг муқобил фалсафий таҳлилларини очиқ бериш;

экологик хавфсизликни таъминлашнинг объектив шарт-шароитлари ва субъектив омилларини илмий асослаш;

глобаллашув шароитида миллий экологик хавфсизликка тегишли институционал тизим структурасини такомиллаштиришнинг назарий-методологик асосларини ривожлантириш;

Ўзбекистоннинг халқаро муносабатларда экологик хавфсизликка таҳдидларни бартараф қилиш масалаларини ўрганиш ва таҳлил қилиш;

Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий ислохотларни амалга ошириш ва экологик хавфсизликни таъминлашда халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга доир янги назарий хулосалар, методологик тавсиялар, амалий таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг объекти** Ўзбекистонда экологик хавфсизликни таъминлаш тизимининг функционал асослари.

**Тадқиқотнинг предмети** миллий экологик хавфсизликни таъминлаш институционал тизими самарадорлигини оширишнинг ижтимоий сиёсий омилларидан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда илмий билишнинг: тарихийлик, мантиқийлик, объективлик, тизимлилик, ворисийлик, қиёсий таҳлил, анализ ва синтез, умумлаштириш ва конкретлаштириш каби фалсафий методларга асосланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

---

<sup>3</sup> Адабиётлар диссертациянинг “Фойдаланилган адабиётлар рўйхати” қисмида берилган.

экологик хавфсизликни таъминлашнинг мурасага асослаган “миллий модели” ва унинг тавсифлари (толерантлик, консенсус, ўзаро ёрдам) асосида шакллантирилган ижтимоий-фалсафий қонуниятлари асослаб берилган;

табиат ва жамият ўзаро муносабатларини оптималлаштиришнинг асоси бўлган барқарор экологик ривожланишнинг (структуравий-функционал, интеграциявий, универсал ҳамда интенсив) механизмлари такомиллаштирилган;

фуқароларда экологик тафаккурни ривожлантириш ҳамда экологик жиноятчиликка қарши курашишда “маҳалла-туман-вилоят-республика” принципи асосида ҳудудлар кесимидаги ижтимоий-маънавий муҳит харитаси ишлаб чиқилган;

экологик хавфсизликни таъминлашда, халқаро экологик сиёсий муносабатларда “халқ дипломатиясига” асосланган ҳамкорлигига оид таклифлари асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

глобал экологик таҳдидларнинг: миллий, минтақавий хусусиятларини, ижтимоий оқибатларини аниқлаш, прогнозлаштириш ва уларнинг олдини олиш йўллари ишлаб чиқилган;

ижтимоий, иқтисодий, сиёсий экологик муносабатлар глобаллашуви шароитида Ўзбекистонда экологик хавфсизликни таъминлашнинг умуминсоний манфаатлар билан узвий боғлиқлиги назарий асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференцияларда муҳокама қилинганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти экологик хавфсизлик феномени институционал тизимининг ривожланиш тенденциясини, қонуниятларини, тамойилларини комплекс-системали, структуравий-функционал илмий таҳлил қилиш натижалари ижтимоий фалсафа, иқтисодиёт, экология ва бошқа ижтимоий-гуманитар фанлар ва шу соҳадаги тадқиқотлар учун илмий-услубий асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, диссертациянинг экологик хавфсизликка оид назарий хулосалари, методологик тавсиялари, конкрет амалий таклифларидан Ўзбекистон «Экологик ҳаракати» фаолиятида, мутасадди вазирликлар, корхона ва муассасаларда, ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда Ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ўтказиладиган экологик тадбирларни ташкил этишда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбекистонда экологик хавфсизликни таъминлаш институционал тизимининг функционал интеграцияси доирасида ишлаб чиқилган ижтимоий-фалсафий таклифлар асосида:

экологик хавфсизликни таъминлашнинг мурасага асослаган “миллий модели” ва унинг тавсифлари (толерантлик, консенсус, ўзаро ёрдам) асосида шакллантирилган ижтимоий-фалсафий қонуниятларига оид таклиф-тавсиялардан «EKOSAN» экология ва саломатлик халқаро хайрия жамоат фонди фаолиятида фойдаланилди («EKOSAN» экология ва саломатлик халқаро хайрия жамоат фондининг 2018 йил 9 февралдаги 10-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифларнинг амалиётга жорий этилиши экологик таҳдидларнинг инсон турмуш тарзига, табиий атроф-муҳитга келтирадиган зарарлари олдини олишда экологик хавфсизлик феноменининг ижтимоий-фалсафий мазмун-моҳиятини тадқиқ этишга хизмат қилди;

табиат ва жамият ўзаро муносабатларини оптималлаштиришнинг асоси бўлган барқарор экологик ривожланишнинг (структуравий-функционал, интеграциявий, универсал ҳамда интенсификация) механизмларига оид таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида Давлат дастурлари, концепциялар ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқишда фойдаланилди (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Давлат Қўмитасининг 2018 йил 21 апрельдаги 03-03/2-2467- сонли маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг жорий этилиши экологик хавфсизликка таҳдидлар структурасида объектив асослар ва субъектив омилларнинг нисбатан мустақил ривожланиш қонунларини, ҳаракатлантирувчи механизмларини, потенциал таъсир имкониятларини ўрганиш, уларнинг оқибатларини илмий прогнозлаштиришга хизмат қилди.

фуқароларда экологик тафаккурни ривожлантириш ҳамда экологик жиноятчиликка қарши курашишда “маҳалла-туман-вилоят-республика” принципи асосида ҳудудлар кесимидаги ижтимоий-маънавий муҳит харитасини ишлаб чиқишга оид таклиф ва тавсиялардан Тошкент Ахборот технологиялари университетида амалга оширилган Erasmus+ халқаро гранти доирасидаги GREB Modernization of the Curricula in sphere of smart building engineering green building (№ CBHE Project N. 574049-EPP-1-2016-1- IT-RPPKA2-CBHE-JP) номли лойиҳада фойдаланилди (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта таълим махсус вазирлигининг 2018 йил 19 октябрдаги 89-03-3595- сонли маълумотномаси). Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши экологик хавфсизликни таъминлашда халқаро ҳамкорликни кучайтириш бўйича чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш, инсонлар ижтимоий-иқтисодий ҳаёти ва маиший турмушида илмий-техника воситалардан фойдаланишнинг экологик технология маданиятини ривожлантиришга хизмат қилди;

экологик хавфсизликни таъминлашда, халқаро экологик сиёсий муносабатларда “халқ дипломатиясига” асосланган ҳамкорлигига оид назарий хулосалар, методологик тавсиялар, амалий таклифлар Ўзбекистон Экологик ҳаракати Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси фаолиятида фойдаланилди (Ўзбекистон Экологик ҳаракати Марказий Кенгаши Ижроия қўмитасининг 2018 йил 5 февралдаги 02/52-сонли маълумотномаси). Илмий

натижанинг амалиётга жорий этилиши Ўзбекистон Республикасида миллий хавфсизлик концепциясини амалга оширишда экологик хавфсизликка таҳдидлар профилактикасига мутасадди давлат ташкилотлари, оммавий фуқаролик институтлари фаолиятини интеграциялаштириш, ишлаб чиқариш амалиётини экологиялаштиришга боғлиқ вазифаларнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилди.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманида апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола (4 та республика, 1 та хорижий журналлар) чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби «Кириш», тўққиз параграфдан иборат уч боб, «Хулоса», «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати»дан иборат. Диссертация ҳажми 138 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

«**Кириш**» қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурияти, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, объекти, предмети, методлари, мақсади ва вазифалари аниқланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилинганлиги, апробацияси, нашр этилган ишлар, тадқиқотнинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Экологик хавфсизликка таҳдидлар олдини олишнинг назарий-методологик асослари**» деб номланган биринчи бобида инсоният тарихида экологик хавфсизликни таъминлаш, яъни табиий атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва ресурслардан оқилона фойдаланиш – жаҳон ҳамжамиятининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маданий ва маънавий-ахлоқий ҳаётининг таркибий қисми ва цивилизацияси асоси бўлиб келганлиги асосланган.

Дунё олимларининг умумий фикрига кўра, бир томондан, экологик глобал хавфсизликни таъминлаш муаммоси «инсон–жамият–табиат» тизими муносабатларини оптималлаштириш билан боғлиқдир. Иккинчи томондан, цивилизациялар тараққиёти жараёнида экологик хавфсизлик муаммолари кескинлашиб, цивилизация келажагини белгилаши аниқ бўлиб бормоқда.

Бу омилларнинг комплекси диссертантнинг экологик хавфсизликка таҳдидларнинг умумлашган таърифини беришга асос бўлган. Яъни, глобал экологик хавфсизликка таҳдидлар комплекс характерга эга бўлиб, коинот ва Ер планетасида миллион йиллар давомида табиий эволюцион ривожланиш натижасида вужудга келган биосфера экологик мувозанатини издан

чиқаришга, умуминсониятнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий муносабатлари барқарор тараққиётига, экологик ҳаёт тарзига салбий таъсир имкониятлари тизимидир.

Экологик хавфсизлик – Ўзбекистон Республикасини барқарор ривожланишининг табиий-тарихий асоси ва миллий хавфсизлигининг таркибий қисми бўлиб, шахс, давлат ва жамиятнинг атроф муҳитга таъсирлари, шунингдек, табиий офатлар, саноатдаги авария ҳамда техноген ҳалокатлар натижасида юзага келадиган хавф-хатарлардан ҳимоялашдан иборат комплекс-системали тадбирлар тизимини амалга оширишдир.

Комплекс-системали тадбирлар тизимини амалга оширишда иккита ижтимоий-фалсафий қонуният намоён бўлади. Яъни, бир томондан, инсоният жамияти тараққий этган сари, унинг экологик хавфсизлигига таҳдидлар кўлами ҳам, имкониятлари ҳам кенгайиб бориши, шу соҳада хавфсизликни оламшумул муаммога айлантирди. Иккинчи томондан, инсоннинг ақл-заковати, интеллектуал салоҳиятини бу хавф-хатарларни бартараф қилишга оммавий сафарбар қилиш заруриятини англаб етмоқда ва уларни бартараф қилиш усул-воситаларини такомиллаштирамоқда.

Экологик хавфсизликка таҳдидлар олдини олишда ички ва ташқи омилларни бартараф қилишнинг мавжуд усуллари ҳамда воситаларини ривожлантиришни тақозо қилади. “Инсон–жамият–табиат” тизими муносабатларини мувозанатга келтириш учун: а) бутун биосфера даражасида унинг алоҳида компонентларини гармонизациялаш; б) жамият ва табиат ўзаро муносабатини регионал даражада (геосистема, экосистема) рационал гармонизациялаш; в) жамият ва табиат муносабатларини инсонлар, давлатлар, цивилизациялар ўртасида янгича гармонизациялаш; г) табиий омиллар билан техникавий омилларни, иқтисодий тадбирлар билан экологик тадбирларни, табиий биомасса ва сунъий техномасса ўртасида мувозанатни сақлаш, биосфера энергетик параметрлари билан инсон фаолиятининг сунъий энергетик параметрларини мувозанатга келтириш мақсадга мувофиқ.

Экологик хавфсизликни таъминлаш зарурияти нафақат бугунги кун вазифаси, балки инсоният жамияти пайдо бўлган даврдан бошлаб бу масалага алоҳида эътибор қаратилган. Уруғчилик, қабилачилик муносабатлари, турли диний ғоялар, тасаввурлар, айниқса миллий ва жаҳон динлари вужудга келган даврлардан бошлаб, муҳим аҳамият касб этган.

«Табиат–жамият–инсон» тизими муносабатларини, умуман, инсон экологик фаолияти, хусусан, экологик хавфсизликни таъминлаш контекстида қуйидагича изоҳлаш мумкин: биринчидан, одамларнинг табиатга мослашиши жараёни ва унинг сирларини, ривожланиш қонун-қонуниятларини, тартиб-қоидаларини билишда жамоавийлик (уруғ-қабила экологик фаолияти) ижтимоийликнинг конкретлашган шакли ҳисобланади; иккинчидан, жамоавий меҳнат туфайли одамларнинг табиатни муҳофаза қилиш фаолияти ижтимоийлашуви, яъни ер, сувлардан оқилона фойдаланиш, деҳқончилик учун мос серунум ерларни асраш, кенгайтириш ҳамда уй ҳайвонлари турларини кўпайтириш, табиий муҳитни яхши сақлашга интилиши

кузатилади; учинчидан, инсоният тарихининг бу босқичида диний примитив тасаввурлар, стихияли-содда экологик амалий фаолият йўналишлари шаклланиши – замонавий экологик рационал онг ва иррационал-прагматик амалиёт генезисини, ретроспектив асосини ташкил қилган; тўртинчидан, замонавий экологик назарий ва амалий фаолият ривожланиши жараёнида «табиат–жамият–инсон» тизими муносабатларининг янги босқичи глобал экологик хавфсизликни таъминлаш муаммоси долзарблашувига олиб келди.

Диссертациянинг «**Экологик хавфсизликни таъминлашнинг институционал тизими ва унинг функциялари**» деб номланган иккинчи бобида Ўзбекистон миллий хавфсизлик сиёсатида экологик хавфсизликка таҳдид масаласи ҳозирги замон фани асосида ижтимоий-фалсафий жиҳатдан таҳлил қилинган.

Ўзбекистонда экологик хавфсизликка таҳдидларга қарши кураш институтлари фаолиятини интеграциялаштиришни фалсафанинг алоҳидаликдан махсуслик орқали умумийликка ўтиш тамойили асосида қарайдиган бўлсак:

– биринчидан, халқаро экологик сиёсий муносабатларнинг ички геодинамик хусусияти, яъни миллий, минтақавий даражаларда табиатни муҳофаза қилишга тегишли давлат идоралари, ташкилотлари, корхона ва муассасаларнинг экологик хавфсизликка таҳдидлар олдини олишда халқаро экологик қонунлар, шартномалар ва бошқа ҳужжатлар ижросини таъминлашнинг функционал дифференциацияси намоён бўлишини;

– иккинчидан, экологик хавфсизликка таҳдидлар олдини олиш борасида давлат ҳокимияти бўлимини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш, яъни табиат муҳофазаси ва аҳоли саломатлигини сақлаш соҳасида миллий қонунчиликнинг умумэътироф этилган нормаларига мувофиқ янги қонунлар қабул қилиш, амалдаги қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлашда функционал интеграциясини тақозо қилишини;

– учинчидан, экологик хавфсизликка таҳдидларга қарши курашнинг горизонтал ва вертикал йўналишларда комплекс-системалилигини таъминлашда: сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа механизмлар таъсири самарадорлигини ошириш «технологиясида» конкрет миллий маънавий-маданий ва мафкуравий омилларнинг функционал идентификацияси катта роль ўйнашини;

– тўртинчидан, муайян мамлакатда экологик ҳуқуқбузарликлар, девиант ҳулқ-атвор ва табиатга бошқа шаклларда зарар етказганлик учун юридик ҳамда жисмоний шахслар жавобгарлигини, масъулиятини, мажбуриятини кучайтиришга қаратилган маънавий-ахлоқий, ғоявий-мафкуравий чоратадбирларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда оммавий ташаббускорлик ва сафарбарлик муҳим аҳамиятга эгаллигини;

– бешинчидан, экологик хавфсизликка таҳдидлар тизимида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, табиатга зарарли бўлган бошқа таъсирлар оқибатларини бартараф этиш ва зарарни қоплашни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга

солиш учун қонуний-ҳуқуқий асосларни функционал унификациялаштиришга зарурият ва эҳтиёж кучаяётганлигини кўрамиз.

Чунки, одам пайдо бўлган дастлабки даврлардаёқ унинг воқеликни билишга бўлган объектив эҳтиёжи ва зарурияти, ўзини қуршаб турган ташқи оламга мослашиш, хавфсизлигини таъминлаш мақсади ва эҳтиёжининг «ижтимоийлашиши» билан боғлиқ.

Экологик хавфсизликка таҳдид манбаларини бартараф қилиш, уларга маҳаллий, миллий, ҳудудий ва глобал геоэкологик вазиятларни вужудга келтирган объектив шарт-шароитларга, субъектив омилларнинг маҳаллий-ментал хусусиятларига дифференциал ёндашувга боғлиқ. Хусусан, асрлар давомида шаклланган экотизим мувозанатига, табиат ландшафтларига техноген таъсир, ер юзининг турли ҳудудларида ўзига хос геоэкологик муаммолар комплексини шакллантирган. Уларнинг экологик хавфсизликка таъсир кўлами ва моҳиятини маҳаллий, миллий, ҳудудий геоэкологик муаммолар деб аташ ғоят нисбий ва шартлидир.

Жамият ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, фан-техника ривожланиши туфайли атроф муҳит ифлосланиши ва бошқа салбий оқибатларига қарши ижтимоий-сиёсий оммавий «Яшиллар ҳаракати» вужудга келиши ва унинг глобаллашувига сабаб бўлди. Айниқса, табиатга глобал характердаги экологик антропологик таҳдидлар: диний ақидапарастлик, экстремизм, сепаратизм ва терроризм эскалацияси натижасида янада кучайди.

Умуман, диссертацияда экологик хавфсизликка таҳдидларнинг муқобил таълимотларини қиёсий таҳлил қилиш, қуйидаги хулосаларга асос бўлди: 1) экологик хавфсизликка таҳдид солувчи омиллар комплекси вужудга келиши, дунё демографик манзарасидаги ўзгаришлар тенденцияси, урбанизация жараёни, муқаррар равишда, экологик хавфсизликка таҳдидлар (атроф муҳит, ҳатто коинотнинг ифлосланиши, биосфера мувозанатига антропоген таъсири) кўламини кенгайтиришини; 2) халқ ҳўжалигида табиий ресурслардан экстенсив, нооқилона тартибсиз фойдаланиш чиқиндилар кўпайишига, айниқса, индустриал ривожланган, дунёда гегемонликка даъвогар мамлакатларда (кимёвий, бактериологик ва ядровий қуроллар тайёрлиги билан боғлиқ) экологик хавфсизликка агрессив таҳдидлар кучайтиришини; 3) кейинги вақтларда атмосферага турли газ ва моддалар чиқарилиши натижасида глобал иқлим ўзгариш тенденцияси («иссиқхона эффекти» нинг дунё экологик манзарасига, биосфера мувозанатига салбий таъсири), инсон ва ҳайвонлар генофонди ўзгаришини; 4) экологик хавфсизликка таҳдидлар глобал муаммо бўлиб, уларнинг олдини олиш, оқибатларини бартараф қилишни жаҳон ҳамжамияти иштирокида амалга ошириш, инсоният цивилизацияси келажагини таъминлаш асоси эканлиги жаҳон ҳамжамияти томонидан англаб етилмоқда.

Диссертацияда давлатларнинг глобал экологик хавфсизлик сиёсатидаги роли ва ўрни ҳақида 2000 йил 6-8 сентябрда БМТ Бош ассамблеясининг 55-махсус сессиясида «Мингйиллик декларацияси»да белгилаб берилган устувор вазифаларга миллий экологик хавфсизлик концепциялари

контекстида қаралиб, уларнинг йўналишлари қуйидагича туркумлаштирилган, яъни:

– биосфера экологик мувозанатини инсоннинг динамик ўзгараётган табиий муҳитга биофизиологик кўникиш даражасида ушлаб туриш, яъни «инсон–табиат» тизими муносабати уйғунлиги доимийлигига эришиш;

– табиий ресурслардан фойдаланишда экологик мезонлар ва келажак авлодлар эҳтиёжларини, манфаатларини эътиборга олиб, корхоналарни жойлаштириш, кам чиқит ва чиқитсиз технологиялар яратиш;

– иқтисодиётда чуқур тузилмавий ўзгаришларга экологик талаблар асосида ёндашиб, унинг инфраструктурасини экологик диверсификациялаш имкониятларидан, хорижий давлатлар тажрибасидан фойдаланиш;

– экологик фаолиятга инвестициялар жалб этишни, интеллектуал салоҳият ва ахборот айирбошлаш коммуникациясини, «технологиясини» кучайтириш билан халқаро миқёсда интеграция кўламини кенгайтириш;

– халқаро экологик сиёсий муносабатлар глобаллашувида давлатларнинг иштироки ва ролини кучайтириш, мавқеини мустаҳкамлаш имкониятларини қидириб топиш;

– аҳолининг экологик талаб ва эҳтиёжларини доимий ўрганиб бориш асосида, ахборотлар банкни, унинг фаолият мониторингини ташкил қилиш тажрибаларидан фойдаланиш кўзда тутилади.

Диссертацияда **«Миллий экологик хавфсизликни таъминлаш муаммолари ва истиқболдаги стратегик вазифалари»** деб номланган учинчи бобида Ўзбекистон миллий хавфсизлик тизимида экологик таҳдиднинг ҳуқуқий асослари; экологик хавфсизликни таъминлашда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик ва атроф муҳитни муҳофаза қилишининг «Миллий модели»ни шакллантириш муаммолари таҳлил қилинган.

Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлик сиёсатида экологик хавфсизликка таҳдидларни бартараф қилиш ҳамда олдини олиш масалалари, аввало, унинг асосий Қонуни – Конституцияси ва махсус қонунлар, ҳуқумат қарорлари асосида амалга оширилади. Хусусан, Ўзбекистоннинг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни мустақилликнинг илк даврларида қабул қилинган биринчи яхлит қонуний ҳужжат ҳисобланади. Бу қонун чорак аср давомида мамлакатнинг асосий экологик қонуни сифатида ўз олдига қўйган мақсадларини тўлиқ амалга ошириш функциясини бажарди дейишга тўлиқ асос бор.

Тараққиётнинг ҳозирги босқичида табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича 40 га яқин қонунлар ва 1000 га яқин қонуности ҳужжатлар қабул қилиниб, уларга бугунги кунда амал қилинмоқда. Фақатгина кейинги йилларда республикада аҳоли саломатлиги, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш миллий экологик хавфсизликни таъминлаш борасида 30 дан ортиқ муҳим қонунлар ҳамда 150 га яқин қонуности ҳужжатлари қабул қилинди.

Диссертацияда мамлакатимизда экологик хавфсизликни таъминлаш сиёсатининг ҳозирги босқичида, унинг қонуний-ҳуқуқий асосларини

мустаҳкамлаш учун бир-бири билан боғлиқ икки йўналишдаги вазифаларни амалга оширишнинг муҳим аҳамияти кўрсатилган. Яъни: биринчиси - амалдаги қонун ҳужжатларини доимий такомиллаштириб бориш ва уларнинг самарали фаолиятини таъминлаш имкониятларидан тўлиқ фойдаланган ҳолда, экологик ҳуқуқ интизомини мустаҳкамлаш; иккинчиси - миллий экологик ҳуқуқ нормаларини халқаро ҳуқуқий мажбуриятларга мослаштириб, миллий ҳуқуқий меъёрларни мукамаллаштиришдан иборат.

Диссертацияда бу талаблар 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича «Ҳаракатлар стратегияси» контекстида қаралиб, экологик хавфсизликка таҳдидлар олдини олиш вазифалари конкретлаштирилган, яъни: экологик фаолиятда қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларида: экологик масалалар ечимида суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, суднинг нуфузини ошириш, суд тизимини демократлаштириш ва такомиллаштириш; экологик қонунбузарликларни чегаралаш, тақиқлаш ва жазолаш фаолиятида судларни ихтисослаштириш; фуқаролар экологик ҳуқуқи ва эркинликларини ҳимоя қилишни кафолатлаш; экология соҳасида маъмурий, жиноий, фуқаролик ва хўжалик қонунчилигини такомиллаштириш; жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигида экологик ҳуқуқбузарликларни кўриб чиқиш жараёнини такомиллаштириш ва либераллаштириш; жиноий жазолар ва уларни ижро этиш тартибининг инсонпарварлаштиришнинг замонавий шакл ва усулларини жорий этиш йўналишлари аниқланган.

Экологик жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштиришда: экологик жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарлик профилактикасида давлат ташкилотлари ва фуқаролик институтлари фаолиятини мувофиқлаштириш; экологик экспансияга, терроризмга, коррупция каби уюшган жиноятчиликка қарши курашишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш; аҳолининг экологик ҳуқуқий маданияти ва онгини юксалтиришда давлат тузилмалари, фуқаролик жамияти институтлари, ННТ ва ОАВ ҳамкорлигини ташкил этиш зарурияти асосланган.

Суд-ҳуқуқ тизимида қонунийликни янада мустаҳкамлашда: экологик хавфсизликни муҳофаза ва назорат қилувчи идоралар иши натижаларини таҳлил қилиш, ҳуқуқбузарликка имконият яратаётган сабаб ва шароитларни бартараф этиш; экологик ҳуқуқ муҳофазасига, ҳуқуқбузарликлар профилактикасига тегишли ташкилотлар фаолияти устидан парламент ва жамоатчилик назоратининг замонавий механизмларини жорий этиш; фуқароларнинг экологик ҳуқуқини муҳофаза қилиш тизимига ишончни мустаҳкамлаш; экология масалалари бўйича: жиноят, фуқаролик, маъмурий ва хўжалик ишларини кўриб чиқишда адвокатларнинг ролини ошириш имкониятлари кўрсатилган.

Экологик хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлашнинг устувор йўналишларида: Ўзбекистоннинг конституциявий

тузуми, экологик суверенитети, ҳудудий экологик яхлитлигини муҳофаза қилиш; экологик хавфсизликка тегишли институционал тизимни такомиллаштириш; халқаро экологик агрессия, экспансия тажовузлари таҳдидларига ўз вақтида муносиб қаршилик кўрсатиш; халқаро экологик сиёсий муносабатлардаги зиддиятларни бартараф қилишда «халқ дипломатияси» имкониятларидан самарали фойдаланиш; табиий атроф муҳит муҳофазаси, биосфера экологик мувозанати, инсон саломатлиги ва генофондига зиён етказадиган экологик муаммолар олдини олиш; табиий ва антропоген таъсир натижасида фавқулодда вужудга келадиган экологик вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш йўллари белгиланган.

Ташқи сиёсат соҳасида экологик хавфсизлик, бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлашнинг устувор йўналишларда: давлат мустақиллиги ва экологик суверенитетини мустаҳкамлаш; мамлакатимизнинг халқаро экологик сиёсий муносабатларда тенг ҳуқуқли субъект сифатидаги мавқеини, нуфузи ва ролини ошириш; экологик ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш; экология соҳасидаги халқаро муаммоларни тизимли ҳал қилиш механизмларини яратиш; Ўзбекистоннинг ён-атрофдаги давлатлар билан экологик хавфсизлик, барқарор аҳил қўшничилик муҳитини шакллантириш; мамлакатда олиб борилаётган экологик ислохотлар тўғрисида жаҳон ҳамжамиятига холис ахборот етказиш; экологик муаммолар ечими бўйича икки ва кўп томонлама илмий-амалий алоқаларни йўлга қўйиш зарурияти, уларни моделлаштириш тамойиллари асосланган.

Экологик хавфсизликка таҳдидларга қарши курашувчи миллий ва халқаро институтларнинг интеграциялашувини функционал моделлаштириш учун: биринчидан, объектларнинг индивидуаллигини таъминловчи объектив шарт-шароитлар ва субъектив омилларга, усул-воситаларга дифференциал ёндашувни; иккинчидан, моделлар оммавийлиги ва ишончлилиги, унинг объектлари ўртасидаги муносабатлар узвийлиги ва изчиллигини таъминлашга боғлиқлигини; учинчидан, ҳар қандай моделларни шакллантирувчи объектлар характери, субъектларнинг функциялари ижтимоий-экологик макон ва тарихий замон хусусиятларига қараб ўзгариб туришини; тўртинчидан, моделларни оммавий трансформация қилиш коммуникацияси, инфраструктураси, усул-воситалари ва механизмларининг интеграциялаштирувчи ролини; бешинчидан, экологик хавфсизликка таҳдидлар эскалацияси олдини олиш, оқибатларини бартараф қилишда субъектлар фаолиятини функционал мувофиқлаштириш муҳим роль ўйнашини эътиборга олиш керак.

## ХУЛОСА

Экологик хавфсизликни таъминлаш тизимини Ўзбекистон мисолида ўрганиш натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Ўзбекистон Республикасида экологик хавфсизликни таъминлаш миллий сиёсати минтақавий ва глобал хавфсизликни сақлаб қолиш мақсади, эҳтиёжи ва заруриятидан келиб чиқиб, унинг ривожланиш қонуниятларини конкретлашган тарзда ифодалайди. Чунки ҳар қандай давлатнинг фуқаролари ҳаёти учун табиатни муҳофаза қилиш, ресурслардан оқилона фойдаланиш, миллий экологик хавфсизликка таҳдидларни енгиллаштириш сиёсати, умуминсоният манфаатларига мос келади ва уларни хусусий ҳолда намоён қилади.

2. Жамият тарихининг дастлабки ривожланиш босқичларида инсон антропоген фаолияти натижасида ўзгарган табиий атроф муҳитга одамларнинг мослашишларини, экологик ижтимоийлашув жараёнини изчил кучайтириш, жисмоний-руҳий адаптация потенциални ривожлантиришга доир диний-примитив тасавурлари, стихияли-соғда амалий фаолиятлари, ўз даврининг экологик воқелигига адекват бўлса ҳам, замонавий экологик рационал онг ва иррационал-прагматик амалиёт генезисини, ретроспектив асосларини ташкил қилади.

3. «Табиат–жамият–инсон» тизими муносабатлари ривожланишининг ҳозирги босқичида инсоният цивилизацияси келажагини сақлаб қолиш учун экологик хавфсизликка таҳдид солувчи янги объектив-субъектив омиллар комплекси вужудга келиши ва глобаллашувини, уларнинг ривожланиш қонуниятларини ўрганишда экологик назарий онг ва амалий фаолият соҳаларини уйғунлаштириб, умумий мақсад доирасида ривожлантиришни тақозо қилмоқда.

4. Дунё геоэкологик манзарасидаги ўзгаришларга моддий ишлаб чиқариш соҳалари ва тармоқларини жойлаштириш, урбанизация, табиат ресурсларидан экстенсив фойдаланиш, саноат ва маиший чиқиндилар кўпайиши, глобал иқлим ўзгариши, коинотнинг ифлосланиши, биосфера экологик мувозанати бузилиши каби экологик хавфсизликка таҳдидлар эскалацияси бош сабаб бўлиб, уларни бартараф қилишда жаҳон ҳамжамиятининг фаол иштироки глобал барқарор тараққиётнинг асоси ва цивилизацияси келажагини белгилаб беради.

5. Глобал барқарор экологик хавфсизликка таҳдидларнинг объектларига, потенциал таъсир имкониятларига миллий мақсадлар, эҳтиёж ва манфаатлар асосида дифференциал ёндашилганда уларнинг тарихий зарурияти, амалий стратегик вазифалари, ижтимоий-фалсафий мазмуни, моҳияти, функционал йўналишлари, аҳамияти конкретлашади ҳамда уларнинг истиқболда қандай оқибатларга олиб келишини илмий прогнозлаштиришнинг муқобил, лекин нисбатан универсал футурологик таълимотлари шаклланишига асос бўлади.

6. Дунёда моддий ишлаб чиқаришни ривожлантириш эҳтиёжларининг узлуксиз ўсиб бориш қонуниятлари, экологик хавфсизлик ҳақидаги назарий концепциялари, экологик хавфсизлик барқарорлигига таҳдидларни бартараф қилишга мутасадди институтлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва уларнинг ўзаро функционал интеграциялашуви, глобаллашуви тарихини танқидий қайта кўриб чиқишни, амалий фаолият тажрибларини, маънавий-ахлоқий кадриятлар меросини ижодий умумлаштиришни тақозо қилади.

7. Тизимли экологик тафаккур тарзи бўлган тизимли ёндашув ғоясини мураккаб табиат-жамият тизимига татбиқ қилиш экологик тасавурларни сифат жиҳатдан янги поғонага кўтарди. Ушбу тафаккур тарзи ўзида экологик билимлар, тамойиллар, қонуниятлар, муаммоларни акс эттиради.

8. Ўзбекистон Республикасида миллий хавфсизлик концепциясини амалга оширишда экологик хавфсизликка таҳдидлар профилактикасига мутасадди давлат ташкилотлари, оммавий фуқаролик институтлари фаолиятини интеграциялаштириш инсоният манфаатларига адекват бўлиб, турли фан соҳаларини, таълим-тарбия муассасаларини, ишлаб чиқариш амалиётини экологиялаштиришга боғлиқ фаолияти комплекс-системалилиги, унинг натижалари ижобийлиги ва оммавийлигини таъминлайди.

9. Давлатларнинг миллий хавфсизликни таъминлаш концепциясини амалга ошириш сиёсати самарадорлиги, унинг экологик ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маънавий асосларини комплекс-системали ривожлантиришга, амалга ошириш стратегияси ва тактикасини, Конституция ва қонунларини халқаро ҳуқуқ меъёрларига уйғунлаштиришига, экологик хавфсизликка мутасадди давлат ва нодавлат-нотижорат ташкилотлар фаолиятини уйғунлаштиришга боғлиқ.

10. Миллий экологик хавфсизликка таҳдидларни бартараф қилишнинг минтақавий ва глобал экологик хавфсизлик манфаатларига мос келиши ва уларни ифодалаш, дунё давлатларнинг иқтисодий ривожланиш даражасидан, сиёсий мавқеидан, этно-демографик таркибидан, профессионал мансублигидан қатъий назар, халқаро ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий муносабатларда ўзаро экологик ҳамкорлик, стратегик шерикчилик тамойилларига асосланишни тақозо қилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.F.01.05 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЁНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ  
УЗБЕКИСТАНА**

---

**НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА**

**ИБРАГИМОВА НАЙИРА АНВАРОВНА**

**ИНСТИТУЦИОНАЛЬНАЯ И ФУНКЦИОНАЛЬНАЯ ИНТЕГРАЦИЯ  
СИСТЕМЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ЭКОЛОГИЧЕСКОЙ БЕЗОПАСНОСТИ**

**09.00.04 – Социальная философия**

**АВТОРЕФЕРАТ**

**диссертации доктора философии (PhD) по философским наукам**

**Ташкент – 2019**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по философским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2017.1.PhD/Fal113**

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана

Автореферат диссертации размещён на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) на веб-странице Научного совета(fs-ik.uz) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet»(www.ziynet.uz)

**Научный руководитель:**

**Тўйчиев Бердикул Туракулович**  
доктор философских наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Мамашокиров Саид**  
доктор философских наук, профессор

**Бердимуратова Алима Карлибоевна**  
доктор философских наук, профессор

**Ведущая организация:**

**Ташкентский государственный  
экономический университет**

Защита диссертации состоится « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2019 г. в \_\_\_\_ часов на заседании научного совета DSc.27.06.2017.F.01.05 при Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 100174, г.Ташкент, ул. Университетская, дом 4. Здание факультета Социальных наук Национального университета Узбекистана, 5 – этаж, 511 – аудитория. Тел.: (99871) 246-02-24, факс: (99871) 246-02-24; e-mail: [nauka@nuu.uz](mailto:nauka@nuu.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирована под № \_\_\_\_). Адрес: 100174, город Ташкент, улица Университетская, дом 4. Тел.: (99871) 246-02-24; факс: (99871) 246-02-24.

Автореферат диссертации разослан « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2019 года.  
(реестр протокола рассылки № от « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2019 года)

**И.Р. Хужамуратов**  
Председатель Научного совета по  
присуждению учёных степеней,  
доктор философских наук,  
профессор

**Ж.С. Раматов**  
И.о. ученого секретаря Научного  
совета по присуждению учёных  
степеней, доктор философских  
наук, профессор

**Ж.С. Раматов**  
Председатель научного семинара  
при Научном совете по  
присуждению учёных степеней,  
доктор философских наук,  
профессор

## **Введение (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Сегодня обеспечение экологической безопасности в мире превратилось в глобальную проблему, её актуализация требует обращения внимания на анализ теоретико-методологических основ стабильной экологической безопасности и объединения практических действий. На «Саммите тысячелетия» ООН, проведенного в 2000 году, было отмечено, что обеспечение экологической стабильности является главным условием будущего человеческой цивилизации. Также и на международной конференции ООН, посвящённой проблемам изменения климата, проведённой в Париже 30 ноября в 2015 года было отмечено, что экологическая безопасность превратилась в глобальную проблему, которую необходимо решить в мировом масштабе.

В мире глобальной проблемой являются угрозы экологической безопасности, ведутся научные исследования, направленные на изучение вопросов обеспечения экологической безопасности (глобальное ухудшение состояния окружающей среды, изменения климата и здоровья человека) для сбалансирования отношений системе “человек-общество-природа” в международных центрах изучения климата и окружающей среды. Проанализирован ряд концептуальных идей, касающихся различных проявлений и последствий широкомасштабных экологических угроз, большой урон жизни общества и человека, негативное влияние демографических процессов (увеличение населения в мире), загрязнение окружающей среды, беспорядочное использование и растрата природных богатств. Особое внимание уделяется вопросам изучения социально-философской сущности феномена экологической безопасности при предотвращении урона естественной окружающей среде, экологических угроз.

В Республике осуществляются широкомасштабные работы по обеспечению безопасной экологической среды, необходимой для жизни граждан, защите природы и эффективному использованию природных ресурсов, координированию отношений системы “природа-общество-человек” на территории национального государства. Особое внимание уделяется вопросам “обеспечение экологической безопасности” и стабильного социально-экономического развития в условиях глобализации.<sup>1</sup> С этой точки зрения, исследование институциональной системы обеспечения экологической безопасности и разработка научно теоретически значимых выводов являются актуальными задачами.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Постановлением Президента Республики Узбекистан от 3 июля 2017 года ПП-3160 «О поднятии на новый уровень повышения эффективности духовно-просветительской работы и

---

<sup>1</sup> Указ Президента Республики Узбекистан «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2017 г., № 6, ст. 70.

развития сферы», Указах Президента Республики Узбекистан от 3 февраля 2017 года УП-5326 «О дополнительных организационных мерах по созданию благоприятных условий для развития туристского потенциала Республики Узбекистан», от 21 апреля 2017 года УП-5027 «О совершенствовании системы государственного управления в сфере экологии и охраны окружающей среды», Государственной программы Республики Узбекистан по развитию региона Приаралья на 2017-2021 годы<sup>2</sup>, а также других нормативно-правовых документах, касательно темы диссертационного исследования.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологии в Республике.** Диссертационное исследование выполнено в рамках приоритетного направления «I. Исследование национальных, литературных, исторических и религиозных ценностей, национальной идеи, эстетическо-художественного воспитания, искусства, материального и нематериального культурного наследия, истории национальной государственности».

#### **Степень разработанности проблемы.**

Социально-философские идеи по предотвращению экологических угроз и обеспечению безопасности, смягчению социально-экологических проблем, связанных с высыханием Аральского моря, укреплению в молодёжи иммунитета экологического сознания, изложенные в работах Президента Республики Узбекистан Ш.М. Мирзиёва, могут стать теоретической и научно-методологической основой настоящего исследования.

Вопросы формирования экологического сознания и культуры при предотвращении угроз экологической безопасности освещены в Авесто, Ригведе, Торе, Евангелие, Коране и в других религиозных источниках.

В работах мыслителей Востока и Азии эпохи Возрождения: Абу Райхона Беруни, Абу Наср Фараби, Авиценны, Алишера Навои были выдвинуты вопросы постоянных изменений в природе.

Социально-философские, правовые и гносеологические стороны проблемы были раскрыты в исследованиях философов Запада: И.Канта, Г.Гегеля, М.Вебера, В.И.Вернадского.

Такие зарубежные учёные, как Л.Тенсли, Ф.Мюллер, С.Хантингтон, К.Гарнер, П.Макмиллан, Ф.Бирмен, П.Паттберг, Ф.Зелли, Н.Греггер, Д.Пирагес и К.Казенс, Ж.Рамеш, Р.Э.Грумбин выдвинули теоретические знания и научные идеи о проблемах, касательно экологической безопасности и об охране окружающей среды.

